Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№39
2026-yil
30-sentabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЭНГ УЛУҒ ВА ОЛИЖАНОБ КАСБ ЭГАЛАРИ

Шундай касб эгалари борки, уларнинг меҳнати самараси йиллар бадалида инсонлар тақдирида, миллатнинг салоҳиятида, мамлакат тараққиётида намоён бўлиб бораверади. Ўқитувчилик ана шундай шарафли ва масъулиятли касб, зотан. Бугун синфхонада айтилган ҳар бир сўз, берилган ҳар бир билим, билдирилган ҳар бир ишонч эртанги авлоднинг дунёқараши ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатмай қолмайди. Давлатнинг иқтисодий қудрати, илм-фан ривожи, жамиятнинг маънавий юксалиши ва инсон капиталининг сифати бевосита таълим билан боғлиқлиги, бошқача айтганда, бу ишнинг бошида турган педагоглар маҳорати, дунёқараши, касбига бўлган садоқати ҳал қилувчи аҳамият касб этиши айни ҳақиқатдир.



Ана шу ҳақиқатга таянган ҳолда мамлакатимиз таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганига барчамиз бирдек гувоҳмиз. Бу жараёнда мактаблар инфратузилмасини яхшилаш, ўқув дастурлари ва дарсликларни янгилаш, таълимга рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бир қаторда ўқитувчининг жамиятдаги мақоми ва нуфузини оширишга устувор эътибор қаратилаётгани кишини қувонтиради.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС



ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

Қонун қабул қилиниши — бу шунчаки янги қоида пайдо бўлиши эмас. Унинг ортида инсонларнинг ҳаёти, ҳуқуқи ва манфаатларига дахл қиладиган ўзгаришлар турибди. Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳам ана шу нуқтаи назардан бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини кучайтириш, Конституциявий суд қарорларининг амалиётда самарали ижросини таъминлаш ҳамда Конституциявий суд ишларини юритишга доир процессуал тартибларни аниқ белгилашга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

► (Давоми 2-бетда)

СЎРОВ, НАТИЖА, ТАҲЛИЛ

МУҲИМИ — ИЖОБИЙ САМАРА

Депутатлик сўрови. Бу — «Мен бу масалани кўрдим», деган гап, «Мен бунга бефарқ эмасман», деган муносабат, «Бу ерда бир нарсани ўзгартириш керак», деган масъулият аслида.

► (Давоми 5-бетда)



ҒУРУР



САМАРҚАНДДА ПОРЛАГАН “ОЛТИН АВЛОД”

8

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ХОРАЗМДА “ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ” ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Кўчага чиқиш, йўлакдан бемалол юриш, автобусга чиқиш, шифохона ёки таълим муассасасига кириш ногиронлиги бўлган шахс учун баъзан жиддий тўсиққа айланиши мумкин. Нотекис йўлак, баланд бордюр, пандуснинг йўқлиги ёки талабга жавоб бермайдиган лифт — ким учундир майда ноқулайлик, бошқа бир инсон учун эса мустақил ҳаёт кечириш имкониятига таъсир қиладиган муаммо.



► (Давоми 4-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

► (Давоми. Боши 1-бетда)





Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қўшимча ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда. Хусусан, суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган ва судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан шикоят қилиш механизми аниқлаштирилмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, мазкур нормалар конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Мажлисда «Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш, гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соҳада давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасини комплекс тартибга солиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, соҳада қўлланилаётган «наркотиклар», «наркожиноят», «нарковазият», «гиёҳвандликка қарши курашиш», «наркожиноятларга қарши курашиш» каби тушунчаларга ҳуқуқий таърифлар берилмоқда.

Лойиҳада наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини назорат қилиш ҳамда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Жумладан, соҳадаги давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Наркотиклар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилиши белгиланяпти.

Ҳужжат билан наркожиноятларнинг янги, айниқса, интернет тармоғидаги усулларига қарши курашиш, ноқонуний нарколабораторияларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи каналларини бартараф этиш бўйича тезкор-қидирув ва бошқа чораларни амалга ошириш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотларига аниқ вазифалар ҳам белгиланмоқда.

Шу билан бирга, наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини назорат қилиш билан бир қаторда профилактика йўналишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан масъул давлат органлари ва ташкилотларига аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга, таълим муассасаларида наркотиклар тарқалишининг олдини олишга, наркологик ёрдам, профилактика, диагностика, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар юклатилмоқда.

Бундан ташқари, наркожиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган янги механизмлар назарда тутиляпти. Хусусан, наркожиноятга йўл қўйган ёки наркожиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий операцияларни амалга оширган юридик шахсни суд қарорига асосан тугатиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида наркожиноятларга қарши курашишда замонавий технологиялар ва илмий ёндашувлардан фойдаланишни рағбатлантириш, соҳадаги илмий, амалий ва технологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, наркожиноятлар ҳақида хабар берган ёки уларга қарши курашишга кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг шахсига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлашга қаратилган нормалар ўз ифодасини топмоқда.

Депутатлар лойиҳани ишлаб чиқишда миллий қонунчилик билан бир қаторда, хорижий давлатларнинг соҳага оид тажрибаси ўрганилиб, улардаги мақбул механизмлар инобатга олинганини таъкидлашди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Бугун миграция масаласи кўплаб фуқароларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ мавзуга айлангани сир эмас. Яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш, ҳужжатларни расмийлаштириш каби жараёнларда аниқ ва тушунарли қоидалар бўлиши муҳим. Шу сабабли миграция соҳасидаги қонунчиликни замон талабларига мослаштиришга қаратилган ўзгартиришлар таклиф этилмоқда.

Мажлисда "Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат қонунларни бир-бирига мослаштириш, миграция соҳасидаги қоидаларни замон талабларига мувофиқ равишда тартибга солиш ва қонунларни амалда қўллашда ягона тартибни таъминлашга қаратилган.

Лойиҳада фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳмонхоналар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шифохоналар, касалхоналарга келганда ушбу ташкилот ва муассасаларда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги қонун нормаларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар қонун ҳужжатларида бирхиллаштирилди. Амалдаги бир қатор кодекс ва қонунлардаги "доимий яшаш жойи" ва "вақтинча турган жойи" каби тушунчалар тегишинча "яшаш жойи" ва "турган жойи" тушунчаларига мувофиқлаштирилди.

> ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ШУНДАН ИБОРАТКИ, БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ҲЕЧ БИР КЎРИНИШИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ, ҲАР БИР АНИҚЛАНГАН ҲОЛАТ ҚОНУН ДОИРАСИДА БАҲОЛАНИШИ, АЙБДОРЛАР ЭСА ҚИЛМИШИГА ЯРАША ҚАТЪИЙ ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК. БУ БОРАДА НАФАҚАТ ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР, БАЛКИ БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРМАГАН МАСЪУЛЛАРНИНГ ҲАМ ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МУҲИМДИР.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар таклифлари, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти атрофлича ўрганилиб, унинг айрим нормалари янада такомиллаштирилди. Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг такомиллаштирилган нормалари, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсири ҳамда белгиланаётган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИГИ: ЖАВОБГАРЛИК ЯНАДА ҚАТЪИЙЛАШМОҚДА

Бола ўзини, энг аввало, оиласида, мактабда ва жамиятда хавфсиз ҳис қилиши керак. Афсуски, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учраб туради ва бундай вазиятларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида ёндашувни талаб этади. Шу мақсадда қонун лойиҳасида болаларга нисбатан оғир жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш таклиф этилмоқда. Жабрланган болаларни тергов ва суд жараёнларида ҳимоя қилиш механизмлари ҳам кучайтирилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ялпи мажлисда шунингдек, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда қатор қонун ҳужжатларига болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учун жавобгарлик чораларини кескин кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Унда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ва жинсий тажовузлар учун жазо чораларини кучайтириш, жабрланган болаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда масъул ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар акс этмоқда.

Энг аввало, болаларга нисбатан содир этилган ўта оғир жинсий жиноятлар учун жазо кескин кучайтирилмоқда. Хусусан, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида боланинг жинсий эркинлигига қарши жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жавобгарликдан ва жазони ижро этиш муддати ўтганлиги боис жазодан озод қилинмаслиги белгиланмоқда. Бу орқали бола ҳаётига тажовуз қилган оғир қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилади.

Болаларни ҳимоя қилиш фақат жиноят содир этилганидан кейин жазо тайинлаш билан чекланмайди. Зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган боланинг ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг манфаатларини тергов ҳамда суд жараёнларида ҳимоя қилиш ҳам бирдек муҳимдир.

Шу мақсадда зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни сўроқ қилиш жараёнини видеоёзув орқали қайд этиш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича жабрланган бола билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини юзлаштиришни махсус тартиб асосида ўтказиш таклиф этилмоқда. Болага яқин шахслар томонидан зўравонлик содир этилган ҳолатларда эса жиноят ишини судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларида васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш механизми ҳам жорий этилмоқда. Бу болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, малакали юридик ёрдам олиш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳаси болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда масъулиятсизликка ҳам чек қўйишга қаратилган. Жумладан, болага ғамхўрлик кўрсатмаслик, Болалар масалалари бўйича комиссиялар қарорларини ижро этмаганлик ёки уларнинг ижросига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Вояга етмаганга нисбатан қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш, шунингдек, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда болаларнинг хавфсизлиги учун ота-она ва таълим муассасалари ходимларининг масъулияти ҳам алоҳида белгиланмоқда. Болаларни тарбиялаш мажбуриятини бажармаслик, шаҳвоний шилқимлик қилиш ва никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини кучайтириш, таълим-тарбия жараёнида педагог томонидан болага нисбатан зўравонлик содир этилган тақдирда эса меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш учун ҳуқуқий асос яратиш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш ҳам назарда тутилган.

Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳеч бир кўриниши эътиборсиз қолмаслиги, ҳар бир аниқланган ҳолат қонун доирасида баҳоланиши, айбдорлар эса қилмишига яраша қатъий жавоб бериши керак. Бу борада нафақат зўравонлик содир этган шахслар, балки болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини бажармаган масъулларнинг ҳам жавобгарлигини белгилаш муҳимдир.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини тиклаш ҳамда жамиятда бундай қилмишларга нисбатан муросасиз муносабатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Йиғилишда шунингдек, жамият ва фуқаролар ҳаётининг турли соҳаларига дахлдор бўлган яна бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилди. Уларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган муҳим нормалар назарда тутилмоқда. Бу ўзгаришлар одамларнинг кундалик ҳаётида учраётган масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
мухбири.



1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЭНГ УЛУҒ ВА ОЛИЖАНОБ КАСБ ЭГАЛАРИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Статистикага кўра, Ўзбекистон умумтаълим муассасаларида бугунги кунда салкам 600 минг нафар ўқитувчи фаолият юритмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги педагог кадрлар сони эса 650 минг нафардан ошган.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда педагогнинг мақомини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мазмунан янги босқичга кўтарилди. Ўқитувчиларни фақат меҳнат жараёнида қўллаб-қувватлаш эмас, балки уларнинг касбий маҳоратини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган механизмлар кенгайтирилмоқда. Малака тоифаси, миллий ва халқаро сертификатлар, чет тилини билиш, ўқувчиларнинг олимпиадалардаги натижалари каби кўрсаткичлар асосида педагогларни моддий рағбатлантириш имкониятлари ошиб бораётир. Айрим устамалар ва рағбатлантиришлар ҳисобига минглаб ўқитувчиларнинг даромади сезиларли даражада ортмоқда. Бу эса педагог меҳнатини баҳолашда касбий салоҳият ва натижадорликка тобора кўпроқ урғу берилаётганини кўрсатади.

Педагогларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи ҳам эътибор марказида. Узоқ йиллик иш стажига эга ва юқори малакага эришган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, улар учун ипотека ҳамда бошқа ижтимоий имкониятлар тақдим қилинмоқда. Бундай ёндашув ўқитувчини фақат таълим берувчи мутахассис эмас, балки жамиятнинг стратегик интеллектуал ресурси сифатида баҳолаш зарурати ўзининг ҳаётий тасдиғини топаётганини англатади.

Айни пайтда педагогнинг касбий ривожланишига қўйилаётган талаблар кучаймоқда. Замонавий ўқитувчи ўз фанини яхши билиши билан бирга рақамли технологиялардан фойдаланиши, янги педагогик методларни ўзлаштириши, ўқувчининг индивидуал қобилиятини ҳисобга олиши ва таълим жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил эта олиши керак.
Шу мақсадда педагогларни аттестациядан ўтказиш, малака тоифаларини бериш ва қайта тайёрлаш тизимлари такомиллаштирилмоқда. Педагогнинг ўз устида мунтазам ишлаши, янги билим ва кўникмаларни эгаллаши таълим сифатининг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу эса ўқитувчилик касбининг мазмуни ўзгараётганидан далолат беради: энди педагог фақат билим берувчи эмас, балки ўқувчини мустақил изланишга, таҳлил қилишга ва янгилик яратишга йўналтирувчи шахс бўлиши керак.

Шу ўринда педагог кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар ҳам алоҳида эътиборга молик эканини қайд этмоқ жоиз. Педагогика олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, бўлажак ўқитувчиларнинг назарий билими билан бирга амалий тайёргарлигини кучайтириш, уларни мактаб муҳитига эрта мослаштириш бўйича янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Хусусан, «4+2» каби ёндашувлар талабаларнинг педагогик амалиётини кучайтиришга қаратилган. Бу ислоҳотлар пировардида бир мақсадга — таълим сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантиришга замин яратаётир.



Шубҳасиз, таълимга эътибор – келажакка эътибор демак. Шу маънода юртимизда соҳа ходимларининг мақоми ва нуфузини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани пировардида жамиятда ўқитувчи-педагог, мураббийлик касбига бўлган ҳурматни юқори поғонага олиб чиқмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг олтин авлодини тарбиялашдек шарафли йўлда билимини, куч-ғайратини аямай меҳнат қилаётган, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни, инновацион педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган таълим-тарбия тизимидаги ходимлардан бир гуруҳи куни кеча Президент Фармонига биноан давлат мукофотлари билан тақдирлангани сўзимиз далилидир.




Абдуғани ТУРДИБОЕВ, Фарғона шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” маркази директори, II даражали “Саломатлик” ордени соҳиби:

— Мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши эзгу анъанага айланган. Бу қутлуғ айём арафасида соҳа ходимларининг давлат мукофотлари билан тақдирланиши эса устозлик касбига, инсон қадрига бўлган юксак ҳурматнинг яққол намунасидир. Куни кеча Президентимизнинг тегишли Фармонига кўра камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, II даражали “Саломатлик” орденига муносиб кўрилганимдан, рости, бошим осмонга етди.

Имконияти чекланган, аммо қалби дунёдек кенг, меҳрга ва эътиборга ташна болажонлар билан ишлаш оддий касбий мажбурият эмас, балки юксак инсонийлик, чексиз сабр ва улкан матонат талаб этадиган муқаддас вазифа. Мен раҳбарлик қилаётган “Ғамхўрлик” маркази бугунги кунда нафақат таълим ва реабилитация маскани, балки шу ерга қадам қўйган ҳар бир боланинг ўз уйидек қадрли ва иссиқ гўшасига айланган. Мураббий учун энг катта бахт — ўз тарбияланувчисининг юзидаги табассум, ҳаётга бўлган қизиқишининг ортиши ва жамиятда ўз ўрнини топишидир.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда салмоқли ижобий ўзгаришлар нафақат умумий таълимда, балки инклюзив ва ихтисослаштирилган ўқитиш тизимида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Давлатимиз томонидан алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг сифатли таълим олиши, уларнинг ижтимоий мослашуви учун яратилаётган замонавий шароитлар, илғор авлод дарсликлари ва методикаларининг жорий этилиши соҳада янги саҳифа очмоқда. Асосийси, улар эндиликда жамиятнинг тўлақонли ва фаол аъзоси сифатида камол топмоқдалар.

Айни пайтдаги ҳаяжонларимни сўз билан тўла ифодалаб беролмайман. Шуни айтишим мумкинки, мен ва жамоамга билдирилган ишонч, қўллаб-қувватлаш биз, соҳа ходимларини янгидан-янги марралар сари ундайди, имконияти чекланган болажонларнинг яширин иқтидорларини кашф этишга ҳамда уларнинг қалбида Ватанга бўлган муҳаббатни кучайтиришга янада руҳлантиради.



Батпа РАЗОВА, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси:


-Давлатимиз раҳбари Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан мукофотланганим нафақат менга, мактабимиз жамоасига, вилоятимиз таълим фидойиларига берилган юксак эътироф деб биламан. Педагогик фаолиятим, ёш авлодга биология фани сирларини ўргатиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги камтарона меҳнатимнинг бундай эъзозланиши менга чексиз фахр ва улкан масъулият бағишлайди.

Мамлакатимизда таълим тизими замонавий стандартлар асосида изчил такомиллашиб бораётгани барчага яхши маълум. Айниқса, табиий фанларни ўқитишга бўлган эътибор, барча жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларнинг ташкил этилиши биз, биология фани ўқитувчиларига назарий билимларни амалиёт билан уйғунлаштириш учун чексиз имкониятлар очди.

Биз таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг фаол ижрочиси сифатида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида фаоллик ва намуна кўрсатиб, давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишга ҳисса қўшамиз. Бор билим ва тажрибамизни ишга солиб, замонавий билимларни пухта эгаллаган, халқаро талабларга жавоб берадиган кадрларни тарбиялашдек шарафли бурчимизни сидқидилдан адо этишга ҳаракат қиламиз.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

АКС-САДО




АНДИЖОНДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ ЯРАТИЛМОҚДА

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш жараёни бир ҳақиқатни яққол кўрсатди. Бугун Андижонда замонавий инфратузилма, инвестиция, ишлаб чиқариш, таълим, экспорт ва бандликни бир-бирига боғлайдиган яхлит тизим шаклланмоқда. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди.

Вилоятда умумий қиймати 9,4 миллиард доллар бўлган 206 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шундан 98 таси ишга туширилган, 108 тасининг қурилиши бошланган. Уларнинг натижасида 45 мингдан зиёд янги иш ўрни, йилига 60,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 533 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилиши кутилмоқда.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар бир-бирини тўлдирмоқда. Масалан, Андижон халқаро аэропорти реконструкцияси транспорт инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқмоқда. Аэропортнинг соатига 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти янги терминал ишга тушгач, 5 баробар ошади. Парвозлар сони йилига 808 тадан 2 500 тага, йўловчи ташиш имкониятини эса 3,5 миллион нафарга етказиш режалаштирилган. Бу нафақат йўловчилар учун қулайлик, балки инвестиция, туризм ва ташқи иқтисодий алоқалар учун ҳам янги имкониятдир.

Иккинчи муҳим йўналиш — юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш. “Eco Cotton” корхонасига 10 миллион доллар инвестиция киритилиб, мингта доимий иш ўрни яратилган. Бу ерда маҳаллий хомашё чуқур қайта ишланиб, тайёр трикотаж маҳсулотига айлантирилмоқда. Йилига 9,4 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариш ва 10,5 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришда сунъий интеллект, автоматлаштириш ва дуал таълимнинг қўлланилаётганидир.



Асосий масала — бу иш ўринлари қанчалик барқарор, ходимларнинг малакаси ва даромади қандай, маҳсулотнинг экспортдаги рақобатбардошлиги қай даражада, деган саволларга жавоб топишдир. Шу нуқтаи назардан дуал таълим тизимининг саноат билан боғланаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

“Андижон-Хуаня” халқаро техникуми 5 минг нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ёшларни саноат корхоналари учун зарур касбларга тайёрлашга йўналтирилган. Бу “таълим-касб-иш ўрни” занжирини амалда шакллантириш имконидир.

Андижоннинг табиий ва ҳудудий имкониятларидан самарали фойдаланишга ўтилаётгани яна бир эътирофга молик жиҳат саналади. Хўжаобод туманида 300 миллион долларлик “Андижон технопарки” ташкил этилиб, 100 гектар майдонда 51 та саноат корхонасини жойлаштириш режалаштирилган.

“Ақлли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш каби технологиялар эса сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Шунингдек, кичик ГЭСлар учун ускуналар ишлаб чиқариш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, чиқиндилардан энергия олиш каби лойиҳалар Андижон саноатида “яшил иқтисодиёт” элементлари кучаяётганини кўрсатади. Балиқчилик, чарм-пойабзал, спорт анжомлари, тўқимачилик каби йўналишларда эса муҳим тенденция кўзга ташланади — йирик корхона атрофида кооперация ва касаначилик ривожланмоқда.

Масалан, Балиқчи туманида жойлашган “LB Sport” корхонаси 800 та кам даромадли оила билан касаначилик асосида ҳамкорлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришни аҳоли хонадонларигача олиб кириш ва қўшимча даромад манбасини яратиш нуқтаи назаридан муҳим. Шу боис, бугунги жараёнларга фақат инвестиция ҳажми ёки қурилган объектлар сони билан баҳо бериш тўғри эмас. Асосий масала инвестициянинг инсон ҳаётидаги натижаси.

Айтиш мумкинки, Андижонда бугун инвестиция ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш эса бандликка, бандлик эса аҳоли даромадига, таълим эса янги иқтисодиёт учун муҳим бўғинга айланди.

Галдаги вазифа бошланган 108 та лойиҳани ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш, яратилган 45 мингдан зиёд иш ўрнининг ҳақиқий ва барқарор бўлишини таъминлаш, экспорт кўрсаткичларини амалда таъминлаш ҳамда ҳар бир лойиҳанинг аҳоли фаровонлигига таъсирини мунтазам баҳолаб боришдир. Андижоннинг янги босқичдаги тараққиёти объектлар сони билан эмас, инсонлар ҳаётидаги аниқ натижалар билан ўлчаниши керак.

Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.



ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

ТАЪЛИМ, МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ УЙҒУНЛИГИ — ФАРОВОН ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Бугун иқтисодиётга жадал суръатда кириб келаётган рақамли технологиялар, сунъий интеллект, автоматлаштириш, роботлаштириш, замонавий агротехнологиялар, «яшил» иқтисодиёт ва янги ишлаб чиқариш усуллари мутлақо янги касб ва кўникмаларни талаб қилмоқда. Бу эса ёшларга реал ҳаётда керак бўладиган билим, касб ва кўникма бериш тизимини такомиллаштириш заруратини англатади.

Ёшларимиз ичида кимдир муҳандислик касбини эгаллашни, кимдир шифокор, яна кимдир дастурчи ёки тадбиркор бўлишни орзу қилади. Бошқа бир ёш эса моҳир уста, дизайнер, ошпаз, электрик, механик ёки замонавий агротехнолог бўлишни танлаши мумкин. Муҳими, ҳар бир ёш ўз қобилияти ва қизиқишига мос касбни танлай олсин ва бу касб орқали муносиб даромад топиш имкониятига эга бўлсин.

Шу маънода, касб-ҳунар таълимига муносабатни ҳам ўзгартиришимиз зарур. Касб-ҳунарни «олий таълимга кира олмаганлар учун муқобил йўл» сифатида эмас, балки мустақил ва муносиб ҳаёт қуришнинг тўлақонли воситаси сифатида қараш вақти келди. Зеро, яхши касб эгаси бўлган инсон ўз меҳнати билан нафақат ўзини, балки оиласини ҳам таъминлайди. Бундай инсон жамиятда фаол бўлади, иқтисодий жараёнларда иштирок этади, солиқ тўлайди, янги хизмат ёки маҳсулотлар яратади.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ КАСБ ВА ДАРОМАДДАН БОШЛАНАДИ

Камбағалликни қисқартириш ҳақида гап кетганда, кўпинча моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тилга олинади. Албатта, эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш давлатнинг муҳим вазифаси. Бироқ меҳнатга лаёқатли инсон учун энг самарали ижтимоий ҳимоя — барқарор даромад келтирадиган муносиб иш ўрнидир.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ҳужжатларида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни камайтириш камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, мактабдан бошланган касбга йўналтириш тизими камбағалликка қарши курашишнинг эрта профилактикаси ҳамдир.

Бугун касб ўрганган йигит-қизга эртага ишсизлик хавфи соя солмайди. Ўз навбатида, унинг бандлиги оила даромадини оширади. Оила даромадининг ортиши эса ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди. Бу — таълим, бандлик ва ижтимоий ҳимоя ўртасидаги узвий боғлиқликдир.

2025 йил 11 февралда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ана шу вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади.

Қарорнинг аҳамияти шундаки, у мактабни меҳнат бозори ва реал иқтисодиёт билан яқинлаштиришга хизмат қилади. Айтайлик, ўқувчи тадбиркорлик субъектида амалий машғулот ўтайди, иш жараёни билан танишади, касбнинг моҳиятини англайди. Тадбиркор эса келажакда ўз корхонасига зарур бўлган кадрлар билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу — давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг таълим соҳасидаги реал кўринишидир.

ҚАШҚАДАРЁДА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни мавзуга бағишлаб ўтказилган жамоатчилик муҳокамаси материалларига кўра, 2024–2025 ўқув йилида вилоятда 16 та умумтаълим мактабида 10–11-синф ўқувчиларини касбга ўқитиш амалиёти жорий этилган. Ўқувчилар тикувчилик, дурадгорлик, сантехника, электропайвандчилик, миллий таомлар ошпазлиги, компьютер операторлиги, дастурлаш, компьютерларга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда билим ва кўникмалар олган. 2025–2026 ўқув йилида яна 8 та мактабда компьютер операторлиги ва дастурлаш йўналишлари бўйича касбга ўқитиш ишлари йўлга қўйилган.

Бу натижаларни кенгайтириш учун ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур. Қашқадарё — нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда катта салоҳиятга эга ҳудуд. Шундай экан, касбга йўналтириш тизими ҳам ҳудуд иқтисодиётининг реал эҳтиёжларига мос бўлиши керак. Масалан, қишлоқ хўжалигида замонавий агротехнологиялар, сув тежовчи технологиялар, агродронлар ва рақамли бошқарув тизимларига хизмат кўрсатувчи мутахассисларга талаб ортиб бормоқда. Саноатда эса автоматлаштириш, электротехника, механика, робототехника ва техник хизмат кўрсатиш соҳалари муҳим.

Демак, касбга йўналтиришда “Ҳудуд меҳнат бозори учун қайси касб талабгир?» деган ёндашув устувор бўлиши лозим.

Жамоатчилик муҳокамасида эришилган натижалар билан бир қаторда мавжуд муаммолар

> КАСБ-ҲУНАРНИ «ОЛИЙ ТАЪЛИМГА КИРА ОЛМАГАНЛАР УЧУН МУҚОБИЛ ЙЎЛ» СИФАТИДА ЭМАС, БАЛКИ МУСТАҚИЛ ВА МУНОСИБ ҲАЁТ ҚУРИШНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ҚАРАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. ЗЕРО, ЯХШИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛГАН ИНСОН ЎЗ МЕҲНАТИ БИЛАН НАФАҚАТ ЎЗИНИ, БАЛКИ ОИЛАСИНИ ҲАМ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ҳам тилга олинди. Жумладан, вилоятнинг айрим ҳудудларида мактаблар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликнинг етарлича самарали эмаслиги, баъзи ҳолларда меморандумлар амалий ҳамкорликка айланмаётгани, ўқувчиларни ишлаб чиқариш объектларига жалб этишда хавфсизлик ва ташкилий масалалар мавжудлиги қайд этилди.

Яна бир муҳим масала — замонавий касблар улушини ошириш.

IT, сунъий интеллект, рақамли маркетинг ва «яшил» технологиялар каби йўналишлар ёшлар учун янги имкониятларни очиб бермоқда. Шу боис касб-ҳунар таълими замонавий меҳнат бозори билан ҳамнафас бўлиши керак. яъни «Мактаб — тадбиркор — маҳалла — меҳнат бозори» тамойили асосида ишлар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқдир.

Жамоатчилик муҳокамасида таклиф этилган «Мактаб — тадбиркор» рақамли платформаси ана шу вазифага хизмат қилиши мумкин. У орқали қайси мактабда қайси касбга қизиқувчи ўқувчилар борлиги ва ҳудуддаги қайси тадбиркорларга қандай кадрлар кераклиги ҳақида ягона маълумотлар базасини яратиш мумкин.

Қашқадарёда ўтказилган жамоатчилик муҳокамасида юқорида келтирилган долзарб масалалар юзасидан тавсиявий қарор қабул қилинди. Ҳар бир мактаб кесимида мониторинг ўрнатиш, ХДП депутатлик гуруҳлари ва маҳалла фаолларини бу жараёнга жалб қилиш, масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини Кенгаш сессияларида мунтазам эшитиш таклиф этилди. Бу ЎзХДПнинг «Режа — ҳаракат — натижа» тамойилига мос амалий ёндашувдир.

Ҳар қандай иқтисодий дастурнинг марказида инсон туради. Заводни инсон бошқаради. Технологияни инсон яратади. Янги бизнесни инсон ташкил этади. Илмий кашфиётни инсон амалга оширади. Шунинг учун миллий юксалишнинг энг катта капитали — инсоннинг билими, касби ва салоҳияти, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун мактаб ўқувчисига сармоя киритиш — эртанги иқтисодиётга сармоя киритишдир.

Бугун ёшга касб бериш — эртанги ишсизликнинг ва камбағалликнинг олдини олишдир.

Бугун тадбиркорни таълим жараёнига жалб қилиш — эртанги малакали кадрлар захирасини яратишдир.

Хулоса шуки, юртимизда ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг истиқболли касби, тайинли даромади, келажаги бўлсин. Оила институти ҳам, мактаб ҳам, маҳалла ҳам, тадбиркорлар ҳам, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар ҳам бу жараёнда ўз масъулиятини ҳис қилиши зарур.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ХОРАЗМДА “ТЎСИҚСИЗ МУҲИТ” ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу маънода, қулай ва тўсиқсиз муҳит яратишни фақат қурилиш, инфратузилма ёки ободонлаштириш масаласи сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу аввало, инсоннинг жамият ҳаётида тенг иштирок этиши, ўз эҳтиёжларини мустақил қондириши ва ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши билан боғлиқ ҳаётий заруратидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, инклюзив муҳитни шакллантириш масаласи фақат алоҳида объектлар эмас, балки бутун шаҳар ва ҳудудларни инсон учун қанчалик қулай қилиб яратаётганимиз билан ўлчаниши керак.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи йиғилишида айнан шу масала — ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши, инфратузилма ҳамда хизматлардан эркин фойдаланишига халақит бераётган муаммолар муҳокама қилинди.

Йиғилишда депутатлар пиёдалар йўлакларининг ҳолати, пандуслар, лифтлар, махсус белгилар, светофорлар ва жамоат транспортининг мослаштирилганлиги масалаларига эътибор қаратишди. Айниқса, ер юзининг турли минтақаларидан миллионлаб туристларни ўзига жалб қиладиган тарихий қадамжоларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун мавжуд имкониятлар алоҳида эътибор марказида бўлди.

Ижтимоий инспекциянинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотга асосан, кўплаб тарихий обидаларда ногиронлиги бўлган шахслар эркин ҳаракатланиши учун етарли даражада шароит яратилмаган. Янги ва тарихий объектлар инфратузилмасини босқичма-босқич мослаштиришга эҳтиёж борлиги маълум қилинди.



Рахимберган ЮСУПОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

- Бироқ тақдим этилган маълумотлар айрим тарихий обидаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун ҳали етарли шароит йўқлигини кўрсатмоқда. Ўрганишлар давомида биз бунга оддий техник камчилик сифатида эмас, балки инсоннинг ўз ҳуқуқидан қанчалик эркин фойдалана олиши билан боғлиқ масала сифатида қарадик.

Менимча, бу ерда энг муҳим жиҳат — пандуснинг бор-йўқлиги эмас. Асосий савол: ногиронлиги бўлган инсон ушбу пандусдан мустақил, хавфсиз ва қулай фойдалана оладими? Агар пандус мавжуд бўлса-ю, унинг нишаблиги, узунлиги ёки бошқа параметрлари белгиланган талабларга мос келмаса, у ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди.

Ўрганишлар давомида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри, Суратхона галереяси, Салимжонов Қосимжон комплекси каби объектларда ҳам ана шундай ҳолатларга дуч келдик. Масалан, айрим жойларда кириш қисми сезиларли баланд бўлишига қарамай, уларга чиқиш учун қурилган пандуслар белгиланган меъёрларга мос эмас. Ташқаридан қараганда пандус бор. Лекин аравачасида ҳаракатланаётган инсон учун у ҳақиқий ечим бўлмаслиги мумкин.

Бунинг инсон ҳаётида нимани англатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Театрга, музейга ёки бошқа бир жамоат объектига борган инсон эшик олдида тўхтаб қолиши, кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиши ёки умуман ортига қайтиши мумкин. Аслида эса у бошқалар каби ушбу жойга мустақил кириш ва хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида ўтказилган ўрганишлар ҳам бизга жиддий ўйланиш учун асос берди. Кўҳна арк, Зиндон, Ёқуббой Хўжа мадрасаси каби тарихий объектларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун мавжуд шароитлар белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди.

Албатта, тарихий обидаларда масала бироз мураккаб. Биз тарихий меросни асрашимиз керак. Обиданинг меъморий қиёфаси, асл кўриниши ва тарихий аҳамияти сақланиши лозим. Лекин шу билан бирга, бу обидаларни имконияти чекланган инсонлар учун ҳам очиқ қилиш йўлларини излашимиз шарт.

Мен бу икки вазифани бир-бирига зид деб ҳисобламайман. Аксинча, замонавий муҳандислик ва архитектура ечимлари орқали тарихий меросни асраш ҳам, тўсиқсиз муҳит яратиш ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектга алоҳида ёндашув, малакали мутахассислар хулосаси ва, энг муҳими, инсон манфаатини биринчи ўринга қўядиган ёндашув зарур.

Муаммони аниқлаш — биринчи қадам. Энди асосий вазифа аниқланган камчиликларни бартараф этиш, янги объектларни лойиҳалашда инклюзивлик талабларига қатъий риоя қилиш ва мавжуд инфратузилмани босқичма-босқич мослаштиришдан иборат, деб ўйлайман.

Раимбой ШЕРЖАНОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати:

- Ўрганиш натижасида эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир асосий масала кўзга ташланди. Яъни айрим маданий мерос объектларида қурилган пандуслар амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига тўлиқ мувофиқ эмас.

Айниқса, Хива каби бутун дунё сайёҳларини жалб қилаётган тарихий шаҳарда бу масаланинг аҳамияти янада юқори. Тарихий обидаларнинг сақланиши қанчалик муҳим бўлса, улардан имконияти чекланган фуқаролар ва сайёҳларнинг ҳам баҳраманд бўлиши учун шароит яратиш шунчалик зарур.

Албатта, тарихий-маданий мерос объектларида замонавий инфратузилмани жорий этиш осон вазифа эмас. Бундай объектларнинг тарихий қиёфаси ва меъморий хусусиятларини сақлаш талаб этилади. Бироқ бу ҳолат инклюзив муҳит яратиш вазифасини четга суриш учун асос бўлмаслиги керак. Аксинча, тарихий меросни асраш ва замонавий қулайликларни уйғунлаштиришнинг мақбул ечимларини излаш айни муддао.

Муаммонинг яна бир муҳим жиҳати — янги объектлар қурилишида ҳам, мавжуд объектларни реконструкция қилишда ҳам тўсиқсиз муҳит талабларини лойиҳанинг бошидан ҳисобга олишдир. Кейинчалик камчиликни бартараф этиш кўпинча қўшимча маблағ ва вақт талаб қилади. Энг муҳими, нотўғри ечим инсоннинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Шу боис депутатлик назорати доирасида нафақат мавжуд камчиликларни қайд этиш, балки уларни бартараф қилишнинг аниқ муддати, масъул ташкилотлар ва амалий чора-тадбирларни белгилаш муҳим.

Йиғилишда депутатлар тарихий обидаларда тўсиқсиз муҳит яратилиши ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлашди. Мазкур йўналишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, маданий мерос объектларида ногиронлиги бўлган шахслар учун хавфсиз ва қулай ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда белгиланган вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, маданий мерос ва туристик объектларда тўсиқсиз муҳит яратиш ишларини тизимли равишда давом эттириш, янги объектларни лойиҳалаш ва мавжудларини реконструкциялашда инклюзивлик талабларига қатъий риоя қилиш таклиф этилди.

Депутатлар аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, натижаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш зарурлигини билдиришди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СЎРОВ, НАТИЖА, ТАҲЛИЛ



МУҲИМИ — ИЖОБИЙ САМАРА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Гап мутасаддиларга юборилган хатда эмас, сўров юборилгандан кейин нима бўлади, деган саволга жавоб топишда. Кимдир жавоб берадими? Кимдир муаммони жойига чиқиб ўрганадими? Кимдир «Бу масалани ҳал қилиш керак», деб ўз зиммасига масъулият оладими? Гап ана шу саволлар очиқ қолиб кетмаслигида...

Шу маънода айтадиган бўлсак, депутатлик сўрови шунчаки расмий ҳужжат эмас, бу халқ номидан берилган савол. Ва ҳар бир саволнинг ортида унга жавоб кутаётган қанчадан-қанча инсонлар бор. Демак, сўровнинг аҳамияти — унинг сонида эмас, ортидан келган ўзгаришда.

ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР ТАРТИБГА СОЛИНДИ

Андижон вилоятининг Бўстон туманида маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, аҳоли яшаш ҳудудларини чиқинди контейнерлари билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш масалалари юзасидан «Юксак орзу барака» МЧЖ Бўстон тумани филиали раҳбарига халқ депутатлари туман Кенгаши депутати М. Тўйчиева томонидан депутатлик сўрови юборилди.

Боиси, сайловчилар билан учрашувлар ва мурожаатларни ўрганиш, шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш жараёнида маиший чиқиндиларни белгиланган график асосида олиб чиқиб кетиш, чиқинди контейнерларининг етарли эмаслиги, махсус техникалар ҳамда ишчи ходимлар билан боғлиқ айрим муаммолар борлиги маълум бўлган эди.

Мазкур муаммолар баён этилган депутатлик сўрови юзасидан масъул ташкилот томонидан расмий жавоб тақдим этилди. Унда муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли чоралар кўрилгани айтилган.

Хусусан, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жараёнини тартибга солиш, хизмат кўрсатишдаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, зарур техника ва ишчи кучидан самарали фойдаланиш бўйича тегишли ишлар бажарилгани қайд этилган.

ЯНГИ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ ҚУРИЛАДИ

Халқ депутатлари Зарбдор тумани Кенгашига 14-Янгикент сайлов округидан сайланган депутат Ф. Саримсаков томонидан "Янгикент" маҳалласи Дўстлик кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш ҳамда болалар майдончаси ҳолатини яхшилаш масаласида депутатлик сўрови юборилган эди.

Мазкур мурожаат аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва муаммолар асосида шакллантирилган бўлиб, унда кўп қаватли уйлар атрофидаги ҳудуднинг ободонлашув даражаси ва санитария ҳолати талабга жавоб бермаслиги ҳамда болалар учун мўлжалланган ўйин майдончаси жиҳозларининг эскириб, таъмирталаб ҳолга келиб қолгани қайд этилган.

Мурожаат юзасидан масъул ташкилот — «KUXINUR SITI-SSS» МЧЖ БСК томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор чора-тадбирлар белгиланди ҳамда улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жумладан, санитария ва ободонлаштириш ишлари доирасида кўп қаватли уйлар атрофи ҳамда уларга туташ ҳудудлар қуриб қолган ўт-ўланлар ва турли чиқиндилардан тозаланди. Ҳудуд тартибга келтирилиб, санитария ҳолати яхшиланди, бу эса аҳоли учун янада тоза, озода ва қулай яшаш муҳитини яратишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мавжуд болалар майдончаси жиҳозларининг эскиргани ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги инобатга олинган ҳолда, уни янгилаш масаласи давлат дастурлари асосида ҳал этилиши белгиланди. Хусусан, тегишли ҳужжатларга мувофиқ, маҳалла ҳудудида 2026 йил якунигача қиймати 350 миллион сўм бўлган замонавий, хавфсиз ва барча талабларга жавоб берадиган янги болалар майдончасини барпо этиш режалаштирилган.



Бугун бир муаммо ҳал бўлиши мумкин. Эртага эса бошқа бир масала кўтарилади. Муҳими, одамлар ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслигида. Депутатлик сўрови эса одамларнинг овозини юқори ташкилотларга етказадиган кўприкдир.

Бундан ташқари, мазкур дастур доирасида кўп қаватли уйлар атрофида пиёдалар йўлакларини бетонлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам белгиланган.

Ушбу ишлар натижасида нафақат ҳудуднинг ташқи қиёфаси яхшиланади, балки болалар учун хавфсиз ўйин майдони, аҳоли учун эса қулай ва замонавий яшаш муҳити яратилади.

Шу тариқа, депутатлик сўрови орқали кўтарилган масала босқичма-босқич амалий ечимини топиб бормоқда ҳамда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

27 ДОНА БЕТОН ТАЯНЧ УСТУНИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши депутати А. Исмоилов томонидан киритилган депутатлик сўровида кўтарилган масала ижобий ечим топди.

Аҳолининг электр таъминотини яхшилаш, мавжуд электр тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳудудга қўшимча равишда 27 дона бетон таянч устуни етказиб берилди.

Ушбу натижа депутатлик сўровида кўтарилган масаланинг масъул ташкилотлар томонидан ўрганилиб, амалий чоралар кўрилганини кўрсатади.

Энг муҳими, депутатлик сўрови орқали сайловчиларни қийнаётган масала эътиборга олиниб, уни бартараф этиш бўйича аниқ амалий ишларга туртки берилди.

ЭНДИ ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИДА НОСОЗЛИК КУЗАТИЛМАЙДИ

Халқ депутатлари Олтинкўл туман Кенгашига ЎзХДПдан депутат Холмирза Исомиддинов томонидан сайлов округи ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолидан келиб тушган мурожаат асосида ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммо ўрганилиб, уни бартараф этиш юзасидан «Сув таъминоти» АЖ раҳбари Д. Бурхоновга депутатлик сўрови юборилган эди.

Депутатлик сўрови асосида «Марказ» МФЙ ҳудудидаги ичимлик суви таъминоти тармоғида юзага келган носозлик масъул мутасаддилар томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш давомида муаммонинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, уни бартараф этиш бўйича зарур амалий чоралар кўрилди. Тегишли таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, сув таъминоти тармоғининг фаолияти тикланди.

Натижада аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи таъминланиб, фуқароларни бир муддатдан буён қийнаб келаётган муаммо бартараф этилди.

Энг муҳими, аҳолидан келиб тушган навбатдаги мурожаат эътиборсиз қолмади. У депутат томонидан ўрганилиб, масъул ташкилот олдига аниқ масала сифатида қўйилди ва уни ҳал этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди.

Мазкур ҳолат депутатлик сўровининг моҳияти фақатгина расмий ҳужжат юбориш билан чекланмаслигини, балки аҳоли мурожаатини ечимга йўналтириш, муаммонинг ижросини назорат қилиш ва натижага эришишда муҳим восита эканини яна бир бор исботлайди.

***

Бугун бир муаммо ҳал бўлиши мумкин. Эртага эса бошқа бир масала кўтарилади. Муҳими, одамлар ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслигида. Депутатлик сўрови эса одамларнинг овозини юқори ташкилотларга етказадиган кўприкдир. Шу маънода, ҳар бир ҳал этилган масала — ким учундир енгиллашган шароит, ҳал бўлган бир ташвишдир. Мақсад ҳам аслида шу, яъни натижа одамларнинг кундалик ҳаётида, турмушида кўринсин!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

ДЕПУТАТ ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЎРГАНДИ

Халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Ирода Қодирова туман туғуруқ бўлимида бўлиб, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун ижросини ўрганди.



Жумладан, оналар ва болалар учун яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, мавжуд тиббий жиҳозларнинг ҳолати ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, муассасанинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, иссиқлик таъминоти, хоналарнинг санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги ҳамда беморлар учун яратилган қулайликлар кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан масъул ходимлар билан фикр алмашилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

БУХОРО:

50 НАФАРДАН ОРТИҚ ЙИГИТ-ҚИЗ ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ташаббуслари ва ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир ўтказилди.



Унда Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Туйева ҳамда Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия Казимова иштирок этди.

Тадбир доирасида 50 нафардан ортиқ ёш партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида “Ватанга эҳтиром” ижодий ишлар танлови ўтказилди. Танлов иштирокчилари Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, тинчлик ва осойишталик, юртимиздаги ислоҳот ва янгиланишларга оид қарашларини ижодий ишлари орқали ифода этдилар.

Танлов якунида ғолиблар ҳамда фаоллиги ва ижодкорлиги билан ажралиб турган иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ҚАШҚАДАРЁ:

“СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР”

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Иқтисодиёт ва педагогика университети ҳамкорлигида талаба-ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Сиёсатдаги ёшлар” интеллектуал турнири ўтказилди.



Унда партия кенгаши масъуллари, депутатлар, устозлар ва талаба-ёшлар иштирок этди. Икки босқичда ташкил этилган турнирда иштирокчилар Конституция ва қонунчилик асослари, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолияти, ислоҳотлар ва ижтимоий сиёсат, сиёсий атамалар ҳамда тарихий воқеаларга оид саволлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Турнир якунида иқтидорли ва сиёсатга қизиқиши юқори бўлган ёшлар аниқланди. Ғолиб жамоалар Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти томонидан партияга қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

СУРХОНДАРЁ:

МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛСА, МУАММОЛАР КАМАЯДИ

Термиз шаҳридаги “Жайҳун” ва “Бўстон” маҳаллаларида ҳудудларни обод ва фаровон қилиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Абдураим Чориев ташаббуси билан ташкил этилиб, унда тегишли масъуллар ҳамда "маҳалла еттилиги" вакиллари қатнашди.



Ўрганишлар давомида маҳаллалардаги ободонлаштириш ишлари, санитария ҳолати, аҳоли учун яратилаётган шароитлар ҳамда мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди. Хусусан, “Жайҳун” маҳалласида аҳолининг иссиқ сув таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар ўрганилди.

Шунингдек, аҳоли билан мулоқотлар ўтказилиб, фуқароларнинг мурожаат ва таклифлари тингланди. Кам таъминланган фуқаро хонадонига ташриф буюрилиб, оилани камбағалликдан чиқариш, даромад манбаларини кенгайтириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Аниқланган масалалар юзасидан масъулларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Маҳалла оқсоқоли ва кўчабошилар билан мулоқотларда ҳудуддаги долзарб масалалар ҳамда аҳолининг таклифлари ўрганилди.

Маҳаллаларда депутатлик назорати ишлари давом эттирилади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЎЗИМИЗНИНГ КАМОЛИДДИН УСТОЗ

БИР ИНСОННИНГ ОРЗУСИ БИР АВЛОД ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ





Оз эмас, нақ 25 йил оиласи билан 2 хонали уйда ижарада яшаб, топган-тутганини ўсиб келаётган авлод учун сармоя қилган, куну тун ҳаловат нелигини билмай, машаққатли меҳнат, темирдай сабот билан ўз ҳисобидан 2 минг ўринли замонавий мактаб барпо этиб, миллий таълимда ўз брендини яратишга муваффақ бўлаётган муаллим ҳақида эшитганмисиз?

Баъзан қаҳрамонларни узоқлардан излаймиз. Ёхуд моҳир ёзувчи, иқтидорли кино ижодкорнинг катта юрак ва чегарасиз хаёлот чизгилари маҳсули бўлган асарлардаги ЧИН ИНСОН қиёфасини реал ҳаётда, шундоққина ёнимизда кўришимиз мумкинлиги баъзида тасаввуримизга ҳам сиғмайди. Айниқса, моддиятга муккасидан кетмаган жамиятда ҳеч бир таъмасиз, ҳеч бир манфаатни кўзламай, маърифатпарварлик ва ватанпарварликнинг тирик намунаси бўлиб яшаётган, олижаноб мақсадлари билан кенгликда қад ростлаб турган муҳташам “Беруний” халқаро мактаби — бу бизга ана шундай инсоннинг ҳаёт паст-баландликларидан чўчимай, шамол каби тўсиқларни писанд этмай, ёруғ орзулари сари курашиб келаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

***

Тошлоқлик Камолиддин Розиқовни наинки Фарғона, балки республикамизда “таълим қозонида қайнаб юрган” киши борки, яхши билади. У асос солган билим даргоҳи эса Бухоронинг Қоракўлидаги ўша машҳур халқаро математика мактаби каби довруғи республика бўйлаб ёйилаётган чинакам маърифат масканидир. Бинобарин, бу муаллим ҳақида ҳам айнан ижтимоий тармоқда юртимизнинг фаол зиёлиларидан бири “Оилавий экин ерини мактаб қилиб, бир авлод тақдирини ўзгартирган инсон” дея таъриф берганида қанчалар ҳақ эди...

— 25 йилдан буён ўқувчи-ёшларга биология фанидан дарс бериб келаман, — дейди “Содиқ хизматлари учун” ордени соҳиби, “Беруний” халқаро мактаби асосчиси ва директори Камолиддин Розиқов. — Турмуш ўртоғим ҳам мен билан ҳамкасб... Ўз қадриятлари ва қатъий қоидаларига эга мактабни очиш орзуси репетиторлик қилиб юрган чоғларимдаёқ кўнглимнинг бир четида “пишиб-етилган” эди. Бу мақсадимни турмуш ўртоғим ҳам қўллаб-қувватлади. Шу тариқа эр-хотин ойлик маошимиз ва репетиторликдан топганимизни тежамкорлик билан йиғиб-териб, дастлаб бир қаватли кичикроқ мактаб қурдик. Йилдан-йилга мактабнинг қаватини ҳам кўпайтирдик, сиғимни ҳам, имкониятларни ҳам... Тўғри, 25 йил ижарада яшадик. Ўз уйимиз бўлмади. Одатда уйни ватан, деймиз. Уйсизлик — беватанлик нималигини ижарама-ижара юрганлар билади. Фақат ўтган йили ана шу 2 хонали ижара уйимизни ўзимиз сотиб олдик. Мана, энди чоғроқ бўлса ҳам, ўз уйимиз бор. Уйсизлик ташвишлари ортда қолди. Лекин, биласизми, мана шу ўтган йиллар менга нима берди? Энг катта орзуим рўёбини кўриш бахтини берди! Ҳаётдаги фалсафам шу: агар сен илм олсанг, бу илм фақат ўзингга хизмат қилмаслиги керак. Агар сен бирор нарсага эришсанг, кейинги авлод учун у наф берсин! Мактаб очиш орзуси ҳам аслида шундан туғилган. Мен фақат мактаб биноси қуришни эмас, ёшларнинг келажагига йўл очадиган муҳит яратишни кўзлаганман.

Камолиддин домла очган, 60 сотих майдонни эгаллаган 2 минг ўринли мактабнинг бошланғич синфларга йўналтирилган 350 ўринли филиали ҳам бор. Шу кунларда мактабнинг шундоқ “бурни”да замонавий қиёфадаги ётоқхонани қуриш-пардозлаш ишлари охирлаб қолган. Ҳадемай бу ер юзлаб ўғил-қизлар учун барча қулайликлар мужассам бошпанага айланади.

— Гап шундаки, кимё-биология фанларини чуқур ўқитишга ихтисослашган мактабимизда республикамизнинг барча ҳудудларидан — буёғи Андижону Наманган, Тошкент, узоқ воҳалардан ҳам ўқувчилар келиб ўқишади, — дея изоҳ беради Камолиддин домла. — Очиғи, шу пайтга қадар узоқдан азбаройи илм олиш учун келган болалар қишлоғимиздаги хонадонларда ижарада туриб ўқидилар. Замон шиддатлаяпти, одамларнинг талаб-истаклари ҳам ўсяпти. Табиийки, бундай шароитда ҳар бир ота-она фарзандининг ҳар тарафлама бекаму кўст шароитда яшашини хоҳлайди. Мана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб ётоқхона қурдик. Ҳадемай, хонадонлардаги болалар ётоқхонага кўчиб ўтишади.

Камолиддин домлани тингларканмиз, хаёлимиздан ҳақли ўйлар ўтади: бу мактабнинг нимаси бунчалар афзалки, неча юз, ҳатто минг чақирим олисдан келиб бўлса ҳам, она сути оғзидан кетмаган болалар шу ерда ўқишни, ота-онадан узоқда, мусофирчиликни жуда эрта бўйнига олиш машаққатини танламоқдалар?

— Мактабимизда таълим-тарбия ишларини икки тамойил асосида йўлга қўйганмиз. Булар — одоб-ахлоқ ва қатъий тартиб-интизом, — дея давом этади қаҳрамонимиз. — Эрталаб болалар соат 8 да дарсга киришса, шу билан кеч соат 22 га қадар банд бўлишади. Кундалик ўқув машғулотлари, овқатланишдан ташқари ўз устида ишлаш, қўшимча дарс ва тил тўгаракларида шуғулланиш – ҳаммаси аниқ график асосида олиб борилади. Мактабимиз тизимлашган бўлиб, ҳар бир ўқувчи маълумотлари электрон базага киритилган. Шундай имкониятни яратганмизки, олис вилоятдаги ота-она ҳам фарзандининг мактабга кирган-чиққани, дарслардаги иштироки, умуман, ҳар кунги жараённи онлайн кузатиб туради. Ўғил-қизлар ўртасида салбий муносабатлар, виртуал ўйинлар ва шу каби иллатларга муросасиз муносабатни шакллантирганмиз. Борди-ю ўқувчи томонидан кичик бир хатога қўл урилса ҳам, мактабда ўқишни давом эттириши учун иккинчи имконият берилмайди. Биз натижа учун ишлаймиз. Болада ўзлаштириш пастроқ бўлса, ўқишга астойдил қизиқиш ва интилишни кўрмасак, ота-онасини чақириб, бошқа йўналишни танлашларини ёки фарзандини бирор ҳунар ўрганиши учун рағбатлантиришларини тавсия қиламиз.

Айни пайтда мактабнинг биринчи филиалида қарийб 1 ярим минг нафар, иккинчи филиалида эса 350 ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Бу рақамлар биз учун шунчаки статистик кўрсаткич эмас. Уларнинг ортида юзлаб оилаларнинг ишончи, минглаб ота-оналарнинг умиди ва бизнинг катта масъулиятимиз турибди. Ҳар йили биз учун энг катта натижа — ўқувчиларимизнинг мактабни битиргандан кейинги тақдиридир. Бу йил ҳам 11-синфни тамомлаган битирувчиларимизнинг 90 фоиздан ортиғи мамлакатимиздаги нуфузли ва халқаро олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Салмоқли қисмининг олийгоҳларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилингани биз учун чинакам фахр. Бугун "Беруний" мактабини битирган ёшлар орасида нафақат тиббиёт, балки муҳандислик, иқтисодиёт, педагогика, IT ва бошқа кўплаб соҳаларнинг бошини тутган қобилиятли кадрлар бор.

***

Болалик инсон умр китобининг илк саҳифалари эмас, балки узун ҳаёт йўлини белгилаб берувчи муҳим палладир. Шу маънода қаҳрамонимиз орзуларининг илдизларини болалик фаслидан қидирмоқчи бўламиз.

— Яширмайман, сулоламизда менга қадар ҳеч ким олий маълумотли бўлмаган, — дейди Камолиддин домла. —Лекин ота-онам биз — уч ака-укага бўш қолдик, дегунча қўлимизга китоб ушлашни, ўқишни уқтириб келишган. Отам ҳамиша “Китоб ва илм инсонни юксакликка олиб чиқади”, дер эдилар. Мана шундай муҳитда биз чиндан ҳам китобни севиб, унга ошно бўлиб улғайдик. Мен дастлаб шифокор бўлишни ният қилгандим. Бироқ вақт ўтиб, ўқитувчи бўлиш орзуси мен билан баравар ўсди, кейинчалик бир укам тиббиёт йўлидан кетди, бугун у тажрибали кардиолог. Яна бир укам эса мен каби таълимни танлади, ҳозирда мактабимизда кимё фанидан дарс беради. Хуллас, оиламизда китобга муҳаббат илмга, илмга қизиқиш эса катта-катта мақсадларга элтувчи қадам бўлди.

Ҳозир ўзимнинг ҳам уч ўғлим бор. Мактаб ва боғча ёшидалар. Оиламизда, дастурхон бошида доим таълим, ўқиш ҳақида суҳбатлашамиз. Шунинг учун фарзандларимиз ҳам болаликдан илмга, китобга ўзгача иштиёқ ва меҳр қўйиб улғаймоқдалар. Бундан, албатта, кўнглим хотиржам тортади ҳам ота сифатида, ҳам ўқитувчи сифатида.

Камолиддин домла илк бор мактаб остонасига қадам қўйган пайтларини эслайди. Ўтган асрнинг 90-йилларидаги мактабларнинг умумий манзараси — эскирган, таъмирталаб бино, қиш кунлари совуқ суяк-суяккача ўтиб кетадиган хоналар, бўёғи кўчган парталару синган доскалар, китоб-дафтарлар тақчиллиги суҳбатдошимиз учун ҳам бегона эмаслигини англаймиз. Қолаверса, ўша даврдаги моддий-маиший қийинчиликлар, ўқитувчи қатламининг, айниқса, эркак муаллимларнинг азбаройи рўзғор тебратиш илинжида ёппасига мактабни ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетишганини, педагогнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми кескин тушиб кетганини Камолиддин домла оғриниб эслайди.

— Бугунги ёшларимизга юрак-юракдан ҳавасим келади, улар учун яратилаётган имкониятларнинг чек-чегараси йўқ, — дейди қаҳрамонимиз. — Фақат бу ёшлар тўғри йўлдан адашмай, ўз салоҳиятини, иқтидорини ривожлантириши, бунинг учун эса илм олишдан, ўқиб-ўрганишдан тўхтамасликлари керак. Илм олмоқ игна билан қудуқ қазимоқ кабидир. Бу машаққатнинг меваси эса жуда тотли бўлади. Мактабимизда ҳар бир ўғил-қизнинг онгу шуурига, қалбига мана шу ҳақиқатни сингдиришга астойдил ҳаракат қиламан. Уларга сабрни, меҳнатни, мақсадлари сари курашишни ўргатиш таълим масканимиздаги ҳар бир ўқитувчининг касбий аъмолига айланган.

Суҳбатдошимиздан “Яна қандай орзуингиз бор?” деб сўраймиз.

— Агар бугун бир бола бизнинг мактабимизда таълим олиб, эртага халқ корига ярайдиган шифокор, олим, муҳандис, боринги, тадбиркор бўлиб, юртимизга, жамиятимизга фойда келтирса — мен учун энг катта орзу шу, — дейди ўзимизнинг Камолиддин домла.

Бундай самимият, бундай камтарлик ва бу орзуни ўз касбининг фидойиси бўлган, ўқитувчи-педагог номига доғ туширмай, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида меҳнат қилаётган юртимиздаги ҳар бир муаллимда топмоғимиз мумкинлигига ишонгимиз келади.

Ўқитувчилик касбининг улуғлиги ва мўътабарлиги ҳам шунда.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.



ҲАЁТДАГИ ФАЛСАФАМ ШУ: АГАР СЕН ИЛМ ОЛСАНГ, БУ ИЛМ ФАҚАТ ЎЗИНГГА ХИЗМАТ ҚИЛМАСЛИГИ КЕРАК. АГАР СЕН БИРОР НАРСАГА ЭРИШСАНГ, КЕЙИНГИ АВЛОД УЧУН У НАФ БЕРСИН! МАКТАБ ОЧИШ ОРЗУСИ ҲАМ АСЛИДА ШУНДАН ТУҒИЛГАН. МЕН ФАҚАТ МАКТАБ БИНОСИ ҚУРИШНИ ЭМАС, ЁШЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИГА ЙЎЛ ОЧАДИГАН МУҲИТ ЯРАТИШНИ КЎЗЛАГАНМАН.

КАМОЛИДДИН ДОМЛАНИ ТИНГЛАРКАНМИЗ, ХАЁЛИМИЗДАН ҲАҚЛИ ЎЙЛАР ЎТАДИ: БУ МАКТАБНИНГ НИМАСИ БУНЧАЛАР АФЗАЛКИ, НЕЧА ЮЗ, ҲАТТО МИНГ ЧАҚИРИМ ОЛИСДАН КЕЛИБ БЎЛСА ҲАМ, ОНА СУТИ ОҒЗИДАН КЕТМАГАН БОЛАЛАР ШУ ЕРДА ЎҚИШНИ, ОТА-ОНАДАН УЗОҚДА, МУСОФИРЧИЛИКНИ ЖУДА ЭРТА БЎЙНИГА ОЛИШ МАШАҚҚАТИНИ ТАНЛАМОҚДАЛАР?

МУАЛЛИМ деган номнинг қанчалар юксак эканини исботлаётган замондошларимиз борлигидан таажжуб туямиз. Не ажабки, таажжуб!..

Сўлим Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги чекка бир ҳудуд — “Қамчипуриш” МФЙ ҳудудидаги Кўмирчилик қишлоғида, бийдай

ИСЛОҲОТЛАР – ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ТАҚДИРИДА

АЁЛГА ЭЪТИБОР – ТАРАҚҚИЁТГА ҚАДАМ

Янги Ўзбекистонни қуриш ва мамлакатда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар, аввало, халқ фаровонлигини ошириш, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришга қаратилган. Ва бу жараёнда хотин-қизлар фаоллигини, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, аёлларнинг интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий ҳаётини уйғун тарзда олиб бориш масаласи устуворлик касб этмоқда.

Дейлик, давлат илмий ташкилотлари ва олий таълим муассасалари докторантураси учун хотин-қизларга ҳар йили камида 300 та мақсадли квота ажратиб берилмоқда. Бу эса опа-сингилларимизнинг илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш, маънавий-маърифий тафаккурини юксалтириш ҳамда илм-фан соҳасидаги фаоллигини оширишга туртки беряпти.

Ўзбек қизи Азиза Шоназарова Колумбия университетида профессор мақомига эришган биринчи ўзбекистонлик аёл бўлди. Нигора Ҳакимова эса Оксфорд университетининг Исломшунослик марказида юртимиздан илк тадқиқотчи сифатида фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, мана шундай ёркин мисоллар жуда кўп. Бу эса бугун илм-фан йўлида ўз салоҳияти билан дунёни забт этаётган ўзбек аёллари сафи тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлайди.

Ёки қизларнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг тенгдошлари орасидаги фаол ва пешқадам вакилларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаларини олиб қарайлик. Уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда.

- Мактабни олтин медаль билан тамомлагач, университетга ҳам биринчи навбатда грант асосида қабул қилинганлар қаторида бўлдим,



- дейди **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика йўналиши талабаси Гулжаҳон Хўжаева Улуғбек қизи.**

— Мен учун бу оддий ютуқ эмас эди. Чунки грант асосида таҳсил олиш нафақат оиламга енгиллик, балки ўз устимда янада кўпроқ ишлаш учун катта масъулият ҳам юклади. Ўзим танлаган соҳада билим олиш, изланиш ва келажакда муносиб мутахассис бўлишга ҳаракат қиляпман.

Талабалик даврида илмий ва таҳлилий мақолалар ёзишга қизиқишим янада ортди. Шу кунгача турли мавзуларда мақолаларим чоп этилди. Журналистика мен учун фақат касб эмас, жамиятдаги жараёнларни кузатиш, таҳлил қилиш ва ўз фикримни одамларга етказиш имконияти ҳамдир.

Ўқишдаги изланишларим ва ҳаракатларим натижасида 2025–2026 ўқув йилида университетт ректори стипендияси соҳиби бўлдим. Бу мен учун яна бир катта рағбатдир.

Бугун олдимда катта мақсадлар турибди. Халқаро журналистика соҳасида чуқур билим олиш, профессионал журналист бўлиш ва ўз мақолаларим орқали жамият учун нафим тегишини истайман.

Одам дунёнинг исталган бурчагида яшаса ҳам, юрагининг бир чеккаси доим ўша ўзи туғилган тупроққа боғлиқ бўлиб қолади.

Чиндан ҳам, бугун қизларимизнинг олий таълим олиши учун шароитлар кўлами кенгайиб бормоқда. Давлат грантлари иқтидорли ва билимга чанқоқ ёшларга ўз салоҳиятини намоён этиш, сифатли таълим олиш ва келажак касбини эгаллаш учун катта имконият яратмоқда. Энг муҳими, бу имкониятдан фойдаланаётган ёшлар унинг қадрини ўз меҳнати, изланиши ва ютуқлари билан намоён этмоқда.

Лайло ИКРОМОВА Баҳром қизи ҳам ана шундай қизларимиздан бири.



-Илм ва таълим йўлидаги изланишларимда, эришган ҳар бир ютуғимда оиламнинг қўллаб-қувватлаши алоҳида ўрин тутади, -дейди **Лайло**. - Турмуш ўртоғим ва оила аъзоларим ўқишим, изланишим учун барча зарур шароитларни яратиб беришган. Уларнинг ишончи менга доим куч беради.

Олий таълимдаги йўлим 2019 йилда бошланган. Ўша йили Тошкент давлат шарқшунослик университетининг шарқ фалсафаси ва маданияти йўналишига давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Бакалавриатни тамомлаб, 2024 йилда Фарғона давлат университетининг ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари) мутахассислиги бўйича магистратурага шартнома асосида қабул қилиндим. Менинг таълим олишим учун белгиланган контракт тўлови давлат томонидан тўлиқ қоплаб берилди. Мен бу кўмакни нафақат ўзимга, балки мамлакатимизда хотин-қизлар таълимига, илм-фан ва ёшлар келажагига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси, деб биламан.

Давлатимиз яратган имкониятлар ва оиламнинг доимий кўмаги менга ўз устимда янада кўпроқ ишлашга мотивация берди. Тўхтаб қолмаслик кераклигини англадим. Шу меҳнатлар самараси ўлароқ, 2026 йилда инглиз тилидан халқаро С1 даражадаги сертификатни қўлга киритдим. Бу мен учун илмий адабиётлар билан бевосита жаҳон миқёсида ишлаш имкониятини очди.

> ХОЛИСОНА АЙТГАНДА, АЁЛЛАРИМИЗГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР ҚОҒОЗДАГИ РАҚАМЛАР ЁКИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛАЁТГАНИ ЙЎҚ — УЛАРНИНГ ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА.

Айни пайтда бор эътиборимни ўз мутахассислигим бўйича докторантурага (PhD) киришга қаратганман ва унга пухта тайёргарлик кўрмоқдаман. Келгусида замонавий ўзбек фалсафаси, маънавият ва таълим соҳаларида жиддий илмий тадқиқотлар олиб бормоқчиман. Мақсадим — юртимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиш.

Ҳа, Лайлонинг муваффақият йўли бир ҳақиқатни кўрсатади: қизлар таълими учун яратилаётган беқиёс имкониятлар, оиланинг қўллаб-қувватлаши ва инсоннинг ўз устида тинимсиз ишлаши бирлашганда, катта-катта мақсадларга эришиш мумкин.

Шу маънода, қизлар таълимига берилган имконият — бутун жамиятнинг келажагига киритилган инвестициядир.

Сўнгги йилларда иамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланмоқда. Биргина транспорт соҳасини олайлик. Аввалари хотин-қизлар йўловчилар сони 14 нафардан ошмаган автобусни бошқариши мумкин эди. Бугунги кунда катта сиғимли автобусларни ўз измига солган аёлларимиз бор. Ўтган йили қатор хотин-қизларимиз «D» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича олти ойлик бепул ўқув курсларида ўқиди. Ўқишни муваффақиятли тугатганларга автобус саройларида меҳнат фаолиятини бошлаш имконияти яратилмоқда. Улар «D» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ таркибидаги автобус саройларига ишга қабул қилинди.

Буни **Зебо Алимардонованинг** ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. 1983 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган Зебо опа давлат кўмагида ҳайдовчилик касбига бепул ўқиди. Бугун эса эгаллаган касби бўйича ишлаб, оиласига даромад келтирмоқда.



— Ҳайдовчилик бўйича ўқиш учун бир сўм ҳам сарфламадим, - дейди **Зебо Алимардонова.** - Бу мен учун катта имконият бўлди. Ўқишни тугатгач, ишга жойлашдим. Ҳозир ойига 9–10 миллион сўм атрофида маош оламан. Бир кун ишлайман, бир кун дам оламан. Уч фарзандим бор, шунинг учун бундай иш тартиби менга қулай. Энг муҳими, касбим бор, ишлаяпман ва ўз меҳнатим билан даромад топяпман.

Зебо Алимардонованинг бугунги ҳаётидаги ўзгариш бир жиҳатни яққол кўрсатади: давлат кўмаги инсон орзу-интилишлари билан уйғунлашса, улуғвор натижага эришилади. Кечагина касб эгаллаш учун имконият излаган аёл бугун жамиятда ўз ўрнига эга, ишлайди ва оиласига даромад келтиради.

Хотин-қизлар ҳуқуқ-манфаатларини кафолатлашга йўналтирилган ижтимоий сиёсатдаги яна бир муҳим ўзгариш — эҳтиёжманд аёлларни аниқлаб, уларга манзилли кўмак кўрсатиш механизмларининг шаклланганидир. Жумладан, «Аёллар дафтари» орқали ишсиз, кўмакка муҳтож, тадбиркорлик қилиш истагидаги опа-сингилларимиз билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳаллада яшовчи Зуҳра опанинг



ҳаётида бу тизимнинг аҳамияти беқиёс.

— Уч фарзандим бирин-кетин туғилгач, оиламизда моддий қийинчиликлар ортди, - дейди **Зуҳра Тўқсонбоева.** - Болаларим кичиклиги сабабли бирор жойда доимий ишлаш имконим ҳам йўқ эди. Шунда маҳалла ходимлари хонадонма-хонадон юриб, шароитимни ўрганишди ва мени «Аёллар дафтари»га киритишди. Тадбиркорликка қизиқишимни инобатга олиб, «Ишга марҳамат» мономарказга ўқишга юборишди. У ерда қарийб бир йил давомида турли ҳунарларни ўргандим. Бу давр мен учун жуда муҳим бўлди. Чунки аввал ишлашни истардим, лекин нимадан ва қандай бошлашни билмасдим. Ўқиш давомида эса ўз меҳнатим билан даромад топиш мумкинлигига ишончим ортди. Маҳалла томонидан менга печ берилди. Шу печ билан ишимни бошладим.

Ҳар куни эрталаб сомса ва турли пиширириқлар тайёрлайман. Аввалига ишим кичик эди. Лекин меҳнат қилган сари буюртмалар ҳам кўпайиб борди. Бир кунда ўртача 300 минг сўм атрофида савдо қилсам, қарийб ярми харажатларга кетади, қолгани эса оиламиз учун даромад бўлиб қолади. Мен учун энг муҳими — шу даромадни ўз меҳнатим билан топаётганим.

2024 йилдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида расмий иш бошладим. Бу менга ўз ишимга янада жиддий қараш, уни ривожлантириш ва келажак режаларимни аниқ белгилаш имконини берди.

Ҳаётимизда ўзгариш сезилди. Турмуш тарзимиз яхшиланди. Фарзандларим ҳам улғайиб, ёнимга киришди. Илгари болаларимнинг эҳтиёжларини ўйлаб, кўп нарсага қийналардик. Энди эса ўз меҳнатимиз билан рўзғоримизни яхшилашга ҳаракат қиляпмиз.

Зуҳра Тўқсонбоеванинг ҳаётий тажрибаси бир жиҳатдан эътиборли: ижтимоий кўмак унинг учун вақтинчалик ёрдам бўлиб қолмади. Касб ўрганиш, зарур жиҳозга эга бўлиш ва тадбиркорликни бошлаш имконияти унинг оиласи учун янги даромад манбаини шакллантирди.

Холисона айтганда, аёлларимизга яратилаётган имкониятлар қоғоздаги рақамлар ёки қуруқ ваъдалар билан чекланиб қолаётгани йўқ — уларнинг ҳаётида ўз аксини топмоқда. Давлат томонидан кўрсатилаётган амалий кўмак уларнинг ўз кучига ишончини ошириб, янги мақсадлар сари қадам ташлашига ундамоқда. Жамиятда аёллар қўллаб-қувватланса, оила институтини мустаҳкамлаш ва баркамол авлодни тарбиялашдек ёруғ мақсадлар рўёбга чиқиши бугун амалий исботини топмоқда.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА,
журналист.

ҒУРУР

САМАРҚАНДДА ПОРЛАГАН “ОЛТИН АВЛОД”





Азим Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўзбек миллатининг ғурурини, шон-шуҳратини бутун дунёга маълуму машҳур қилди. 200 дан зиёд мамлакатдан 2 мингга яқин энг кучли гроссмейстерлар жам бўлган нуфузли ақл-заковат жангида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси тенгсиз деб топилди ва мамлакатимиз тарихида иккинчи бор олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу буюк зафар муносабати билан терма жамоа аъзоларига табрик йўллаб, оламшумул ғалаба замирида ётган теран маъно ва ёшларимизнинг матонатини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, давлат раҳбарининг фармонига кўра мамлакатимизда, қадимий Самарқанд шаҳрида илк бор ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, ўзининг юксак профессионал маҳорати, ақл-заковати, ирода ва матонатини яққол намоён этгани, дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан келган энг кучли шахматчи ва гроссмейстерлар ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштиришда шахсий намуна кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари учун шахматчиларимиз, уларнинг устозлари ва соҳа вакиллари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Турнирнинг очиқ (Open) йўналишида Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки 7 турнинг барчасида зафар қучди. Гарчи 8-турда Германияга имконият бой берилган бўлса-да, йигитларимиз дарҳол ўзларига келиб, АҚШ (9-тур) ва Арманистонни (10-тур) таслим этишди. Сўнгги турда Ҳиндистоннинг Венгрия билан дуранг ўйнаши Ўзбекистоннинг муддатидан аввал чемпионлигини кафолатлади.

Якуний жадвалга кўра, очиқ йўналишда Ўзбекистон 20 очко жамғариб, мутлақ чемпионга айланди. Ундан кейинги ўринларни 18 очкодан тўплаган Ҳиндистон (кумуш) ва Германия (бронза) терма жамоалари эгаллади.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда эса Хитой қизлари 20 очко билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қозоғистон терма жамоаси 18 очко билан иккинчи, Ҳиндистон эса 17 очко билан учинчи ўринни банд этди.

Самарқанддаги ушбу олимпиада Ўзбекистоннинг жаҳон шахматидаги нуфузи нечоғлик ошганини кўрсатиб берди. FIDE томонидан Ўзбекистон шахмат федерацияси 2026 йилда «Энг яхши федерация» деб топилди. Гроссмейстер Рустам Қосимжонов FIDE нинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова эса Марказий Осиё давлатлари бўйича минтақавий президент этиб сайлангани юртимиз шахмат мактабининг глобал миқёсдаги эътирофидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу юксак ғалаба бутун халқимизга янги куч-ғайрат, руҳ ва илҳом бағишлайди. Эндиги навбат — ноябрь ойида Жаҳон тожи учун бўлиб ўтадиган тарихий беллашувга. Бутун Ўзбекистон халқи шахматимиз фахри, FIDE томонидан 2026 йилда илк бор таъсис этилган «FIDE Excellence Awards» мукофотининг «Энг яхши эркак шахматчи» (Best Chess Player (Male)) номинациясида ғолиб чиққан Жавоҳир Синдоровдан янги зафарларни кутмоқда.

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

АНЖУМАН

ПЕНСИЯ ТИЗИМИГА ДОИР ИСЛОҲОТЛАРДА АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИМИ?

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида жорий йилнинг 25 сентябрь куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани кенг жамоатчиликни қизиқтираётган мавзуга бағишланди. Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ва тизимдаги масъул ходимлар иштирокидаги бу тадбирда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш мақсадида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳанинг моҳияти ҳамда аҳамиятига алоҳида урғу берилди.



– Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини, хусусан, фуқароларнинг кексаликда муносиб ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда пенсия тизимининг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган Президент фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди, – дейди иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Отабек Фазилкаримов. – Мазкур лойиҳада пенсия тайинлашнинг айрим шартларини шунчаки ўзгартириш эмас, балки меҳнат фаолияти ва тўланган ижтимоий солиқни пенсия миқдорида адолатлироқ акс эттириш, жамғариб бориладиган пенсия механизмларини ривожлантириш ва аҳолининг пенсия тизимидаги иштирокини кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Шу ўринда кўпчиликда нима сабабдан айни вақтда пенсия тизимини ислоҳ қилиш масаласи кўтарилмоқда, деган савол бўлиши табиий. Маълумки, бугунги кунда юртимизда иқтисодий фаол аҳоли сони 15,7 миллион нафарни ташкил этади. Шундан 8,6 миллион нафари расмий банд, 4,9 миллион нафари норасмий секторда ишлайди, яна 1,4 миллион нафар фуқаро хорижда меҳнат қилмоқда. Яъни иқтисодий фаол аҳолининг тахминан 55 фоизи расмий бандлик орқали ижтимоий солиқ тўловлари билан қамраб олинган. Қолган фуқароларнинг пенсия тизимида мунтазам иштирок этмаслиги уларнинг келажакдаги пенсиясига таъсир кўрсатади.

Норасмий ишлаётган инсон даромад топаётган бўлиши мумкин. Лекин унинг меҳнат фаолияти расмий ҳисобга олинмаса ва ижтимоий солиқ тўланмаса, пенсия ёшига етганда етарли иш стажи шаклланмаган деб топилади. Шунинг учун ислоҳотнинг муҳим вазифаларидан бири, бу одамларни фақат бугунги даромади ҳақида эмас, балки келажакдаги пенсияси ҳақида ҳам ўйлашга рағбатлантиришдир.

Яна бир масала. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ ортиб бормоқда. 2025 йилда Пенсия жамғармасининг даромадлари 56,1 триллион сўмни, харажатлари эса 77,2 триллион сўмни ташкил этган. Яъни даромад ва харажат ўртасида 21,1 триллион сўмлик тафовут мавжуд. Ушбу тафовутни бартараф этиш мақсадида ҳар йили Пенсия жамғармасига Давлат бюджетидан трансферт ажратилмоқда. Амалдаги тенденциялар сақланиб қолинган тақдирда, 2040 йилда бюджет трансфертларига бўлган эҳтиёж 91 триллион сўмгача етиши прогноз қилинмоқда. Муҳим жиҳати шундаки, пенсия тизимига ортиқча молиявий босимнинг йил сайин ўсиши келгусида давлат бюджетига ҳам катта юк бўлади. Шунинг учун муаммони кечиктирмасдан, босқичма-босқич ҳал қилиш муҳим.

Ўзбекистонда аҳолининг умр кўриш давомийлиги сезиларли ошаётгани маълум. Ўртача умр кўриш давомийлиги аёлларда 77,3 ёш, эркакларда 72,9 ёшни ташкил этмоқда. 2018 йилда ишловчи пенсионерлар сони 180 минг нафар бўлган бўлса, бугунги кунда 480 минг нафарга етган.

– Пенсияни ҳисоблашда адолат мезонлари кучайтирилади, – дейди Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Муродбек Атаджанов. – Жумладан, 2027 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда инобатга олинадиган 5 йиллик иш ҳақи даврини ҳар йили 1 йилдан узайтириб, босқичма-босқич 20 йилга етказиш назарда тутилмоқда. Бунда фуқаронинг энг паст даромад олган даврининг 10 фоизи ҳисобдан чиқарилиши таклиф қилинмоқда. Бу нима учун керак? Чунки пенсия инсоннинг фақат беш йиллик иш ҳақи олган қисқа даврини эмас, унинг узоқ йиллик меҳнат фаолиятини адолатлироқ акс эттириши керак. Шу билан бирга, лойиҳада ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлиш учун талаб этиладиган минимал иш стажини ҳозирги 7 йилдан бирданига эмас, босқичма-босқич ҳар йили бир йилдан ошириб, 2034 йилда 15 йилга етказиш таклифи илгари сурилмоқда.

Масалан, 2027 йилда 8 йил, 2028 йилда 9 йил, 2030 йилда эса 11 йил стаж талаб қилиниши кўзда тутилмоқда. Минимал стажга эга бўлмаган фуқароларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ ёшга доир нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Бундан ташқари, лойиҳага кўра, 2028 йил 1 апрелдан биринчи марта пенсия тайинлашда ҳисобга олинадиган иш ҳақининг юқори чегарасини пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 бараваридан 13 бараварига ошириш таклиф қилинмоқда. Агар фуқаро пенсияга чиқишни ўз хоҳиши билан 6 ойга кечиктирса – ушбу чегара 14 бараваргача, 12 ойга кечиктирса – 15 бараваргача оширилади. Яъни шахснинг пенсия ёшига етганидан кейинги меҳнат фаолияти пенсия миқдорини ҳисоблашда инобатга олинади.

Лойиҳада давлат пенсияси билан бир қаторда фуқаронинг ўз шахсий пенсия жамғармасини шакллантиришига катта эътибор берилган. 2027 йилдан 7,6 миллион сўмгача иш ҳақи оладиган фуқаролар ўз хоҳиши билан иш ҳақининг 5 фоизини шахсий пенсия ҳисобварағига ўтказса, давлат томонидан ушбу ўтказилган маблағнинг 50 фоизгача қўшимча маблағ табақалаштирилган тартибда қўшиб тўлаб берилиши таклиф қилинмоқда. Шунингдек, 7,6 миллион сўмдан юқори иш ҳақи оладиган фуқаролар учун эса белгиланган чегарадан юқори даромад қисми бўйича 1 фоиз маблағни ижтимоий солиқ ҳисобидан шахсий пенсия ҳисобварағига йўналтириш таклиф этилмоқда. Бу улуш 2033 йилдан 2 фоизга, 2040 йилдан 3 фоизга етказилади. Шу билан бирга, жамғарилган маблағлар ва улардан олинган инвестиция даромадлари фуқаронинг шахсий мулки бўлиши ҳамда мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи сақланади, ундан белгиланган тартибда фойдаланиш имкони яратилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар пенсия ва ижтимоий суғурта билан қамраб олинади. 2025 йилда ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтган 5,9 миллион нафар фуқароларнинг (шундан 2,9 миллион нафари 2025 йилда рўйхатдан ўтган) фақат 860 минг нафари (15 фоиз) ихтиёрий ижтимоий солиқ тўлаб, иш стажига эга бўлган. Қолган катта қисми ижтимоий солиқ тўламаслиги натижасида уларда келажак учун етарли пенсия стажи шаклланмаслиги хавфи мавжуд. Шу сабабли 2027 йилдан улар учун ижтимоий солиқнинг амалдаги миқдори – йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари (440 минг сўм) ёки ойига 36,6 минг сўм тўлаш таклиф этилмоқда. Бунда тўловни фуқарога оғирлик қилмаслиги учун йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилада.

Энг муҳими, 2028 йил 1 январдан бошлаб пенсия ёшини ҳар йили 3 ойдан ошириб бориш ва 2039 йилга келиб эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 58 ёшга етказиш кўзда тутилмоқда. Бунда 2027 йилдан умумий белгиланган пенсия ёшидан бир йил олдин пенсия тайинлаш тартиби бекор қилиниши кутиляпти.

Дарвоқе, юқоридаги лойиҳа 15 сентябрь куни жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Масъулларнинг алоҳида қайд этишича, лойиҳа юзасидан аҳолидан келиб тушаётган ҳар бир таклиф ўрганилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз, меҳнат фахрийси **Эркин ХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA
MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Г — 937. 3730 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:30
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.